



# MOTURIDIYLIK

الماطريديّة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

---

Narsalarning asl mohiyatini  
bilibishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqldir.

---



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

- Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент
- Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
- Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори
- Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, доцент
- Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор
- Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор
- Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент
- Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- Аҳмад Сайд ДАМАНҲУРИЙ  
(احمد سعید الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори
- Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори
- Назир Мухаммад АЙЁД (ناظر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азхар маъмуаси Ислом тадқикотлари академияси Бош котиби
- Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети хузуридаги Имом Мотуридий тадқикот маркази директори
- Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси
- Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири
- Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент
- Оид ӘРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўймитасининг 2023 йил 7 мартаға  
03-07/1503-сонли хуносаси асосида  
тайёрланди.

## МУНДАРИЖА

- Nigora Yusupova. Исломда гендер тенгликнинг ўзига хос тамойиллари ..... 3
- Shoislom Akmalov. Янги Ўзбекистон маърифий такомилда илмий марказларнинг ўрни ..... 12
- Ilhomjon Bekmirzayev, Azamkhan Kambarov. “Ҳидоя” асарининг ёзилиш тарихи ва унинг турли тиллардаги таржималари ..... 19
- Nematulla Nasrullahayev. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзих” асари манбалари хақида ..... 29
- Muhabbatkhan Agzamova. “Тарих ар-Русул вал-мулук” асарида ислом манбалари асосидаги ривоятларнинг баён этилиши ..... 41
- Nigora Khakimova. “Маҳосин” асарида енгиллаштириш тамойилининг кўлланилиши ..... 48
- Bakhodir Daminov. Жамиятда диний мутаассибликни вужудга келтирувчи турли омиллар таҳлили ..... 55
- Bakhodir Pirmukhamedov. Махмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асарининг методологияси ..... 65
- Akhmadkhan Alimov. Мотуридий уламоларининг калом илми ривожига кўшган ҳиссаси ..... 72
- Abdulaziz Yakhshilikov. Сабаби нузул илми ривожланиш босқичларини тадқик этишининг назарий масалалари ..... 83
- Ikhtiyor Abdurahmonov. “Шарҳ ат-Таъвилот” асари кўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи ..... 91
- Mamurjon Erkayev. Ижара ақди билан boglik оялгар таҳлили ..... 98
- Nodir Shomirzayev. Реабилитация тушунчасининг шаклланиши ва диний реабилитациянинг ривожланиш тарихи ..... 107
- Ulugbek Jorayev. Туркия тарихида мотуридийлик таълимотининг ривожланиш босқичлари таҳлили ..... 118
- Jasurbek Abduqodirov. The role of Imam Maturidi's mausoleum in the development pilgrimage tourism in Uzbekistan ..... 124
- Pirnazar Rajapov. Saljuqiyalar davlatining shakllanish jarayoni (1038–1157) ..... 130
- Абу Мансур Мотуридий  
(тарихий романдан парча) ..... 140

Ulugbek B. JORAEV,  
Research fellow of the Imam Maturidi  
International Scientific Research Center  
II, A.Kadiri str. 100011,  
Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [ulugbeckcity@mail.ru](mailto:ulugbeckcity@mail.ru)

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/14

## ТУРКИЯ ТАРИХИДА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИНИНГ РИВОЖЛANIШ БОСҚИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

### ANALYSIS OF THE STAGES OF DEVELOPMENT OF THE MATURIDIYYA DOCTRINE IN THE HISTORY OF TURKEY

### АНАЛИЗ ЭТАПОВ РАЗВИТИЯ МАТРУДИТСКОГО УЧЕНИЯ В ИСТОРИИ ТУРЦИИ

#### КИРИШ

Маълумки, юртимизнинг Самарқанд диёридан етишиб чиқсан улуг мутафакир олим Имом Мотуридий ахли сунна вал-жамоанинг дунёда тан олинган мотуридия ақидавий таълимоти асосчиси ҳамда қалом илмининг буюк олимларидан бири сифатида бутун мусулмон оламида эътироф килинади. Замониный мусулмон мамлакатларининг қўтилилгига мотуридийлик таълимотини тадқик килиш ҳамда ўрганишга эътибор ва кизикиши нийоятда катта бўлмоқда. Айниқса, Туркияда бундай жараён тарихий-тадрижий кўринишда кечганга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Хатто, айрим мутахассислар Туркия Республикасидаги мотуридийликни ўрганишга эътиборнинг юкорилидан унга “нео-мотуридийлик харакати” деган ном беришган (Phil Dorroll, 2018:538).

#### АСОСИЙ ҚИСМ

Туркияда мотуридийлик таълимотини ўрганиш босқичларини қўйидаги тўрт даврга бўлиш мумкин:

1) Сўнгги усмонийлар ҳукмронлиги шароитида қалом илми сухбатлари даври.

2) XIX аср охири ва XX аср бошларида айрим мусулмон мамлакатларидаги модернизм карашларининг юзага келиши даври.

3) Республика ва замонавий давлат бошқарувига ўтиш даври.

4) XX–XXI асрлардаги Туркияда ислом илми ва илоҳиёт фанларини илмий ўрганишга эътибор кучайган давр.

Таъкидлаш лозимки, XVIII аср бошларида Усмонийлар империясидаги мадрасаларда ашъарий ва мотуридийлик ақидавий таълимотлари биргаликда ўргатилилар эди. Ушбу амалиёт XIV асрдан бошланган бўлиб, унга ўз даврининг стук уламоси, фахиши Такиоддин Субкий (вафоти 1355) томонидан иккى ақидавий таълимотлари биргаликда ўрганиш ва амал қилиш мумкинлиги борасидаги карашлари асос сифатида кабул килинган эди (Philipp Brückmayr, 2009:60).

Бу борада XIV асрда мамлуклар сultonлигидаги Миср давлатида ақида ва фиҳ бўйича етук олим Камол ибн Ҳумом (1388–1457) қаламига мансуб илмий асарлар орқали кейинчалик Усмонийлар империясига ҳам етиб келганлигини айтиб ўтиш лозим. Олимнинг “ал-Мусаяра филаконд” (“Ақидаларда муросага келиш”) асари айнан Имом Мотуридийнинг ақида борасидаги карашлари асосида ёзилган. Бу китоб Усмонийлар империяси давридаги машҳур олимларидан бўлган Камолиддин Баёзий (ваф. 1686), Избериј Козизода (ваф. 1717), Шайхзода (ваф. 1720) ва бошқалар тарафидан илмий жиҳатдан тадқик қилиниб, такомиллаштирилди ҳамда мотуридийлик таълимоти илмининг усмонийлар ҳукмронлиги остидаги давлатларга тарқалишига хизмат килди (Абдулхай Лакнавий, 1906:144). Шу билан бир каторда, Ал-Камол ибн Ал-Ҳумамга замондош уламолардан бўлган Ҳизрбек ибн Жалолиддин (ваф. 1459) томонидан ёзилган “Жавоҳир ал-аконд” асари ҳам илоҳиёт фанининг мухим тадқикот маъбанди сифатида ўша давр изланувчилари томонидан тан олинган. Шундай тадқикотчиларидан бири Аҳмад ибн Мусо ал-Ҳаялий (ваф. 1458) бўлиб, унинг “Шарҳ ал-қасида ал-нурий” ва Сайдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ акоид Насафий” номли китобларига қолдирган илмий изоҳлари турк давлати тарихида ҳам машҳур хисобланади (М. Язиҷӯgli, 1990:82).

Ҳизрбек ибн Жалолиддиннинг шогирдларидан бўлган Муслихуд дин Ҳожизода (ваф. 1488), Муслихуд дин Қасталоний (ваф. 1495) ҳамда Мулла Лутфий Тукотий (ваф. 1495) сингари уламолар ҳам Тафтазонийнинг “Шарҳ акоид Насафий” китобига шарҳлар биттганлар. Шу билан бирга, илоҳиёт йўналишидаги ашъария ва мотуридия таълимотларига биргаликда амал

**Аннотация.** Ислом оламида тан олинган ва эътироф этиладиган икки ақидавий йўналишилардан бирни бўлган мотуридийлик таълимотини ўрганиши, уни кенг тадқиқ қилиши борасида жараёнлар кўплаб мусулмон мамлакатларида содир бўлган ҳодисалар асносида узуг мутафаккир Имом Мотуридийининг ҳаёти ва ижоди ва унинг шоғирдлари борасида илмий изланнилар авж олди. Бундай тенденция XX асрда бошланган булишига қарамай, ўзининг тарихий сабабиятига эга. Мазкур мақолада айнан Туркия давлати тарихида мотуридийлик ақидавий таълимотига нисбатан муносабатининг ўзгарishi ва таълимотинг сиёсий-ижтимоий ўзгарашлар шароитида асосий ақидавий қараш сифатида эътироф қилиннишга ҳисса қўзиан шахслар ҳақида маълумот тақдим қилинади. Ҳусусан, мақолада мотуридию таълимоти Туркия тарихида тўрти босқичча ажратган ҳолда ўрганилди. Биринчи босқичда усмонийлар империяси салтанатидаги камон илми борасида қарашларнинг шаклларини ўрганилган. Иккинчи босқичда, яны XIX аср охири ва XX аср бошваридаги айрим мусулмон мамлакатларида модернизм қарашлари нозаса келиши ва таъсир доиралари ҳақида маълумот келтирилган. Учинчина босқичда республика бошқарувидаги замонавий давлат кўрининшига ўтиш давридаги сиёсий вазифат ҳамоёд исломшунослик фанни бўйича катта хурматга эга бўлган олимларнинг Имом Мотуридий илмий меросини ўрганишига нисбатан даъватлари ҳақида гатирилади. Ниҳоят, тўртинчи босқичда, яны XX–XXI асрлардаги Туркияде ислом илми ва илоҳиёт фанларини илмий ўрганишга эътибор кучайишига турткни бўлган сабаблар, омиллар борасида етарила маълумот келтирилган. Мақолада мотуридийлик таълимоти доирасида илмий тадқиқотлар билан ўзгувлансган олимлар ва уларнинг асарлари тўгерисида маълумот берилади.

**Калил сўзлар:** Имом Мотуриди, усмонийлар, Тақиуддин Субкий, Камол ибн Ҳұмом, Избериј Қозизода, Саъдууддин Тафтазоний, Имом Ашъарий, Мехмәд Сайд бей, Мехмәд Шарафуддин Ялткай.

**Abstract.** Today, in many Muslim countries, the process of studying and researching the doctrine of Maturidiyya which is one of the two accepted and recognized dogmatic trends in the Islamic world is underway. A similar situation is observed in Turkey. During the events that took place in the history of this country, scientific research into the life and work of the great thinker Imam Maturidi and his students became more active. Despite the fact that this trend began in the 20th century, it has its own historical reasons. This article provides information about the changes in attitudes towards the doctrine of Maturidiyya in the history of Turkey, as well as about the persons who contributed to the recognition of the doctrine as the main ideological view in the context of political and social changes. In particular, the article examines the position of the Maturidiyya teaching in the history of Turkey, separately in four stages. At the first stage, the study of formations of views on the science of "kalam" in the Ottoman Empire was foreseen. At the second stage, that is, at the end of the 19th and beginning of the 20th century, information is given about the origin and spheres of influence of modernism in some Muslim countries. At the third stage, the political situation during the transition to the modern republican system, as well as the calls of very authoritative scholars in the field of Islamic studies to research the scientific heritage of Imam Maturidi was discussed. Finally, at the fourth stage, enough information was given about the reasons and factors that led to increased attention to the scientific study of theological sciences in Turkey in the 20th-21st century.

**Keywords:** Imam Maturidi, Ottomans, Taqiyuddin Subki, Kamal ibn Humam, Izbiri Qazizada, Sa'duddin at-Taftazani, Imam Ash'ari, Mehmed Sayed-bey, Mehmed Sharafuddin Yaltkaya.

**Аннотация.** Сегодня во многих мусульманских странах идет процесс изучения и исследования, матуридитского учения, являющегося одним из двух принятых и признанных в исламском мире догматических направлений. Схожая ситуация наблюдается в Турции. В ходе событий, произошедших в истории этой страны, активизировались научные исследования жизни и деятельности великого мыслителя Имама Матуриди и его учеников. Несмотря на то, что такая тенденция началась в 20 веке, она имеет свои исторические причины. В данной статье представлена информация об изменениях отношения к учению матуридизма в истории Турции, а также о лицах, способствовавших признанию учения основным идеологическим воззрением в контексте политических и социальных изменений. В частности, в статье исследуется положение матуридийского учения в истории Турции, раздельно в четыре этапа. На первом этапе приведено изучение формирований взглядов на науку о калям в Османской империи. На втором этапе, то есть в конце 19-го начале 20 века, приводятся сведения о зарождении и сферах влияния модернизма в некоторых мусульманских странах. На третьем этапе обсуждается политическая ситуация в период перехода к современному республиканскому строю, а также призывы весьма авторитетных ученых в области исламоведения к изучению научного наследия Имама Матуриди. Наконец, на четвертом этапе, т.е. в Турции в 20-21 веках, дается достаточно информации о причинах и факторах, обусловивших повышенное внимание к научному изучению богословских наук.

**Ключевые слова:** Имам Матуриди, османы, Такиуддин Субки, Камаль ибн Ҳұмом, Избери Қазизада, Сааддин Тафтазани, Имам Ашъарий, Мехмәд Сайд-бей, Мехмәд Шарафуддин Ялткай.

килиш борасида Такниоддин Субкийдан кейин Камолпошшозода (ваф. 1533) томонидан ҳам бу гоялар илгари суриласди. Олим ўзининг “ал-Ихтиоф байна ал-ашъария ва ал-мотуридия” номли асарида икки ақидавий таълимот ўртасида фарқликлар, ихтилофлари, ечимлар ва уларнинг аҳамияти борасида ҳамда ўша давр турк жамиятда амал килинишига тарғиб борасидаги қарашларни көлтирган. Лекин, айрим турк тарихчиларининг фикрига кўра, Камолпошшозода кейинчалик китобларида ақидавий масалаларда кўпроқ ашъарийлик таълимотига юзланган.

XVI–XVIII аср бошларига қадар Усмонийлар империясидаги мадрасаларнинг ўкув дастурида ашъарийлик бўйича таълим соатлари мотуридийлик таълимотини ўрганишига нисбатан маълум миқдорда кўпроқ бўлган (Philip Bruckmayr, 2009:62). Маълумотларга кўра, барча мадрасалардаги талабаларнинг дарс соатларида Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-акоид” ва “Шарҳ ал-макоид” ҳамда Алинибон Мухаммад Журжонийнинг “Шарҳ ал-мавоқиф” ва “Ҳошия шарҳ ал-тажрид” китоблари асосида барча фанлар белгиланган эди. Ушбу китоблар асосида талабаларга ақида, мантик, ислом ҳуқуки ва нутк маданияти сингари фанлардан таълим берилган. Мадраса китоблари орасида Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-акоид” асаригина мотуридийлик таълимоти қарашлари асосида бўлган. Бундан эса, ҳали Имом Мотуридий қаламига мансуб китоблар билан таълим беришга ўтилмаганини кўриш мумкин. Аммо, усмонийлар хукмронлигидаги мадрасалarda мумтоз мотуридийлик қарашларни ўрганган олимлар ислом ҳуқуки ёки тафсир фанларидан таълим бериш жараённида тилга олинган. Бу борада мадрасалarda ўқитиладиган мотуридийлик қарашлари асосидаги ягона китоб Сирожиддин ал-Ўшнийнинг “ал-Қасида ал-Ломийя фи ат-тавхид” китоби ҳамда Садрушшарис Соний қаламига мансуб “Тавхид” асари бўлган (Philip Bruckmayr, 2009:62). “Тавхид” китобидан кўпинча ислом ҳуқуки бўйича дарсларда фойдаланилган.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, усмонли турк салтанатининг кейинги давр уламолари орасида ашъарий ва мотуридийлик таълимотларига нисбатан ёндашув кисман яна ўзгаради. Улар ақидавий мавзуларни муҳокама килишда бошқа қарашни кескин танқид килиш амалиётидан воз кечишга чакира бошлидилар. Мисол учун, Камолиддин Баёзӣ ўзининг “Ишорат ал-маром”, Яхъе ибн Насух Навий “Фи-л-фарқ байна мазҳаб

ал-ашъария вал-мотуридия”, Мухаммад ал-Избирий Қозизода “Мумаййиза”, Абдул Рахмон ибн Али Шайхзода “Назм ал-Фароид”, Абдулганий Набулусий “Тахқик ал-интисор”, Абу Удба “Равзат ал-баххий” сингари олимлар қарашларида мотуридийлик ва ашъарийлик таълимотларини биргаликда ўрганишда имконият мавжудлиги ҳамда жамиятга зарар келтирмаслиги борасида қарашлар илгари сурилган.

XVII аср охириларига келиб бир гурух уламолар мотуридийлик таълимотининг замонавий ҳолатларга мос келиши, илмий томондан кучли асосланганлиги ҳамда мотуридийликнинг ҳанафийлик фикхий мазҳабига яқинлиги нуткаи назаридан мамлакатнинг барча худудларида айлан ушбу таълимот стакчи бўлиши қеракли ҳакида фикр билдирадилар. Олимлар ақидавий таълимотда плюралистик қарашдан воз кечиш лозимлигини таъкидладилар. Мотуридийлик ақидавий таълимоти ашъарийлик таълимотидан кўра устун бўлиши лозимиги ҳам кўп бора айтилди. Ҳусусан, ушбу уламолар каторида Мухаммад ибн Мустафо Ҳамид Кафавий Кирмоний (вафоти 1760), Мухаммад ибн Аҳмад Гумулжанавий (XVIII аср ўрталарида юшаган) ва замонасининг машҳур атоқли арабди Довуд Карсий (вафоти 1756) кабин шахслар бор бўлган. Улар мотуридийликда “инсон ихтиёри” масаласидаги далиллар ашъарийлик қарашларидан кўра мукаммалрок тақдим килинганини таъкидлайдилар (Ўжал Ш., 1999:225).

Бу борада Довуд Карсийнинг қарашлари Кирмоний томонидан Истанбулдаги ўқиши даврида кабул килинган ва илмий тасдиқланганлиги ҳакида маълумотлар бор (Оқпинар К., 1994:29). Ўша давр олимлари орасида калом масаласида мунозаралар ва илмий сухбатлар анъянавий мазҳаб ҳуқукий талаблари доирасидан четта чикмаган ҳолда олиб борилган. Бундай сухбатлар натижасида юзага келган илмий хуносалар эса усмонли турк салтанатининг интеллектуал маданиятини шакллантиришга хизмат килди. Шунингдек, бундай амалиёт XIX–XX аср уламоларига мотуридийлик ақидавий таълимоти илмий меросини саклаб колишига ҳам ёрдам беради.

Юкоридаги олимларнинг асарларида мотуридийлик таълимотини кенг амалиётга киритиш борасида қарашлари мотуридийликни Туркия мамлакатида тарқалишига замин яратди.

Кейинги даврда Якин Шарқ худудидаги исломий модернизм қарашларининг кенг тарқалиши натижасида ҳам калом илми, айниска,

мотуридийлик таълимотига замонавий ҳолатга муносабат билдириш асносида эътибор кучяди. XIX аср охирларида Жамолиддин Афғоний, Мухаммад Абду, Сайид Аҳмад Ҳон сингари шахсларнинг ислом модернизм бўйича қарашлари усмонийлар хукронлигининг сўнгги даврларида ёгаллаб турилган ҳудудларга кириб келади.

XX аср ўргаларида эса Туркия диний таълим масканларида “ислом модернизми” тарафдори бўлган покистонлик олим Фазлурраҳмоннинг (1919-1988) асарларини мутолаа қилишга қизикиши пайдо бўлади (Шертурк Р., 2009:36). У ўз қарашларида ислом модернизми тушунчасини англаш ва жамиятга тушунтиришда исломнинг ақидавий асосларига эътибор қартиш лозимлигини утириди. Бунда икки нарса, яъни исломнинг аббадий илоҳий ҳақиқатларини ўрганиш ҳамда мазкур ҳақиқатларни амалга оширилишини тегиши амалиётлар ва институтлар орқали ўргатиш каби талабларга риоя қилиш зарурлиги Фазлурраҳмон томонидан илгари сурилган. Шундай қилиб, модернизм тарафдорлари фикрига кўра, амалда мавжуд амалий жараёнлар ва институтлар диннинг асл мақсадини ўргатиш йўлида ўзгариши мумкин. Улар жамиятда содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар оқибатида тегиши ислоҳотларни бошидан ўтказишлари лозим эди. Ушбу қараш тарафдорлари диний таълимотлар ўзгарувчан жамият шароитига мос келиши, ундаги муаммоларни ечиб бериши ҳамда Ғарб империализми ва миссионерлик фаoliyatiга нисбатан қарши турга оладиган куч бўлиши лозимлигини ўқтиришади.

Ўша давр Усмонийлар империяси салтанати уламоларининг мотуридийликдаги “инсоннинг ихтиёри” назариясига тааллукли қалом илмидаги баҳс ва мунозараларидан атиги бир аср ўтиб, уларнинг Ином Мотуридий илмига бўлган қизикиши яна жонланди. Бу сафар бундай қизикиши давлат ва жамиятни модернизация қилишда усмонийлар томонидан кенгрок йўл очиб бериши орқали ислом илоҳиётидан фойдаланиши контекстида юз берди. Ўша даврда мотуридийлик ақидавий таълимоти бу нафакат инсоннинг эрки ва мустакил тафаккурига хурмат ифодаси, балки Усмонийлар империясини қийнаётган кўплаб интеллектуал муаммоларни ҳал қилиш имкониятини ўз ичига оладиган диний қоидалар жамланмаси сифатида қаралар эди (Ўздинич Р., 2013:108). Усмонли турк зиёлиларининг кўпчилиги Ином Мотуридийнинг диндаги рационалистик ёндашувлари ўша давр

жамиятида модернистик ислоҳотлар учун идеал теологик асос сифатида хизмат килиди, деб ҳисоблашган. Ҳудди шу даврда Али Суавий (ваф. 1878) ва Мехмед Сайид Бей (ваф. 1925) каби баззи Усмонли зиёлилари ва сиёсий арбоблари Ином Мотуридий ва унинг илмий асарлари бу турк миллиатининг мероси бўлиши лозимлиги ҳакида фикрлари натижасида мотуридийлик ақидавий таълимотини тадқик килиш харакатлари янада кучайди.

Эътиборли жиҳати шуки, юкоридаги олимлар Ином Мотуридий асарларини ўрганишни турк миллиати тарихи учун мухим вазифалар нуткази назари билан ёндашган ҳолда олиб боргандар.

## МУҲОКАМА

Ғарб тадқиқочиларининг фикрига кўра, замонавий республика шароитида Ином Мотуридий илмий меросини ўрганишга Туркия давлатининг сиёсий арабби ва атоди олими Мехмед Шарафиддин Ялткая (ваф. 1947) даъват килган. Ушбу олим усмонли турк салтанатида фойдаланинг ёзувни бекор килган алифбо ислоҳотидан бор йўғи бир неча йил ўтиб, яъни 1932 йилда Ялткая томонидан “Турк илоҳиётчилари” (“Türk Kelamcılar”) номли сарлавҳа остида мақола чоп этилган. Унда Ялткаянинг Ином Мотуридий илмий мероси туркий халқлар учун аҳамияти ниҳоятда қатталиги, китоблари эса беҳа доимийласси ҳакида фикрлар айтилган эди (Ялткая М., 1932:1).

Таъкидлаш лозимки, мотуридийликни замонавий контекстда ўрганиш Туркиядаги илоҳиёт фанларининг энг нуфузли олимларидан бўлган Юсуф Зиё Ёрукан (1887–1954 йиллар) томонидан бошлиланди. Ушбу олим томонидан мотуридийлик таълимоти замонавий Туркиядаги ислом амалиётини ривожлантириш ва миллийликни алангашдаги мухим асослардан эканлигига алоҳида ургу берилган (Акман З., 2013:1). Юсуф Зиё Ёрукан қарашларida Куръонга таяниш нисбатан кучли бўлган бўлса-да, у исломни тушунишда инсон рационал ёндашувни олдинга кўйиши керак, деган фирмни ҳам кўллаб-куватлаган (Ёрукан Ю., 1993:38). Шу билан бирга, Ёрукан асл ислом тушунчаларининг дунё миқёсида англарда камчиликлар борлигини таъкидлайди. Бунда асосий сабаб сифатида айрим масалаларда котиб қолган ақидалардан фойдаланиш, диний

уламолар тарафидан ўзгараётган ижтимоий холатларнинг инобатга олинмаслиги, тафаккур ва акдан йирок бўлган хulosаларни тақдим килаётгани каби холатлар кўрсатилган. Юсуф Зиё Ёрукан замонавий Туркия холатида мотуридийлик таълимоти ислом тафаккурининг муҳим ақидавий мезонига айланиси лозимлигини таъкидлаган. У мотуридийликни асосий эътиодий караш дея таърифлаган ҳамда Имом Мотуридий илмий меросида “саодат асри” солиҳ салафларига уйғунлик холатини сезиш муҳкинлигини айтган. Бу эса замонавий шароитда Имом Ашъарийда келтирилган гоялардан кўра муҳим ўрин эгаллаши керак, деб хисоблаган (Ёрукан Ю., 2006:173).

### НАТИЖА

Шундай килиб, Юсуф Зиё Ёрукан колдириган мерос асосида Туркияда ўзига хос “неомотуридийлик” харакатининг бошланишига замин ҳозирланди. Мазкур харакат марказида Имом Мотуридий хаёти ва мутафакkir олим томонидан колдирилган ижод дурдоналарни замонавий холатдан келиб чиқиб, қайта ўрганиш, бу борада “турк миллатига мансублик” нуктани назаридан ёндашиш ҳамда илмий изланишлар ва тадқикотларни кўллаб-куватлаган холда жамиятда диний интеллектуал мухитни шакллантириш сингари карашлар устун бўлган.

Бунинг оқибатида XX аср бошларida Туркияда илоҳиёт фанининг пайдо бўлишига замин яраттилди. Республика даврида, аникроги 1949 йилда Анкара университетининг Илоҳиёт факультети ташкил қилинди. Ушбу таълим даргоҳидаги илк ўқитувчилар Усмонийлар империси сўнгти давридаги “Дор ал-фунун” (1933 йилда тутатилган) илмий марказларидан ўтказилган эди. Шу сабабли, илоҳиёт йўналишида илмий тадқикотлар олиб бораётган олимларнинг аксари усмонийлар давридан колган мотуридийликни ўрганишга бўлган катта эътиборни саклаган холда давом эттирилар.

Кейинги даврда Анкара университети Илоҳиёт факультети Имом Мотуридийнинг илмий меросини ўрганиш ва бу йўналишида илмий тадқикотларни олиб боришига йўналитирилган асосий марказларидан бири сифатида машҳур бўлди. Ушбу илм масканидан етук мотуридийшунос олимлар фаолият олиб борди. Улар каторида, профессор, доктор Ҳанафи Ўзган, профессор,

доктор Сўнмас Кутлу, доктор Шаъбон Али Дўзгун ва бошқа 10 дан ортиқ дунё миқёсида тан олинган олимлар ва илмий тадқиқотчilar бор эди. Мисол учун, доктор Сўнмас Кутлунинг Имом Мотуридий хаёти ва ижодини ўрганишга каратилган саъй-харакатлари натижасида диний фанларга аҳамият ва муносабат жамиятда кескин ўзгаришига олиб келди. Олим томонидан амалга оширилган ишлар мамлакатда ханафийлик мазҳаби асосидаги ақидавий карашларнинг кенг тарқалишига хизмат килди. Мамлакат илмий-маънавий меросига бўлган кизиқишининг ортишига туртки бўлди.

### ХУЛОСА

Хозирги кунда номлари келтирилган турк олимларининг саъй-харакатлари билан Имом Мотуридий каламига мансуб кўплаб нодир асарлар, хусусан “Тавъилот ал-Куръон” асарининг 30-жилли ҳамда “Тавҳид” китобининг соф турк тилига таржими килингани мотуридийшунос олимларнинг янада кўпайиши хизмат килмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, Туркия мамлакатида содир бўлган тарихий жараёнлар ва сиёсий ўзгаришлар Имом Мотуридий ва унинг хаёти, илмий меросларини ўрганиш ҳамда турк тилига таржими килиш жараёнларининг кучайишига туртки бўлди ҳамда турк олимларининг бу борада амалга оширган ишлари натижалари кўплаб ислом мамлакатларида мотуридийлик таълимотини ўрганишда муҳим маънба сифатида ҳам фойдаланишларига замин ҳозирлади. Шунингдек, Туркиядаги жараёнлар туркий ҳалқлар ўртасида алокаларнинг юксалишига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Имом Мотуридий сингари олимнинг асарларини ўрганиш асосида Ўзбекистон ва Туркия мамлакатлари ўртасида ҳамкорликнинг янги саҳифаси очилган бўлиб, бунга кардош миллатлар билан ҳалқаро илмий доирада дўстона муносабатларнинг янада кучайтириши борасида ги саъй-харакатлари натижасида эришилганини таъкидлаш зарур. Муштарак қадиряларга эга бўлган икки мамлакат ўртасида сиёсий, иктисадий ва маданий жабхалардаги алокалар янги боскичга кўтарили. Шу жумладан, диний-маърифий соҳадаги ҳамкорлик натижасида Туркия давлатидаги нуфузли диний тадқикотларни олиб борадиган марказлар, олийгоҳлар ва нодавлат ташкилотлари билан тажриба алмашув жараёнларига эътибор кескин ортди.

Икки мамлакат ўртасида мотуридийлик таълимоти бўйича илмий муҳокамалар, давра сұхбатларининг ўтказилиши, мутахассислар алмашувининг жорий килинishi эса замонавий Ўзбекистон ва Туркия давлатлари шароитида фундаментал аҳамият касб этадиган ходисалардан бўлмоқда. Бундай ўзғаришлар туфайли эса келажакда хайли ҳамкорлик янада кучайиши мумкинлигини умид килиш мумкин.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Фил Доррол. (2018). “Динни туркча тушуниш: Замонавий Туркияда мотуридийликнинг кайта кашиф килинishi”. “Мотудиийлик халкаро симпозиуми: ўтмиш, ҳозир ва келажак”. Анкара.
2. Филипп Брукмайер. (2009). “Мотуридийлик таълимотининг тарқалиши ва асосий динамикаси”. “Эрон ва Кавказ” журнали. Австрия.
3. Мухаммад Абдулхай ал-Ансорий ал-Лакнавий. (1906)“Ал-Фавоид ал-бахийа фи тарожим ал-Ҳанафия”. Қохира.
4. Мустафо Сайд Язижўғли. (1990). “XV–XVI асрлардан қалом илми ва унинг усмонли турк жамиятидаги ўрни”. Анкара.
5. Шомил Ўжал. (1999). “Усмонли олимлари аъшарий бўлганим?: Мухаммад Аккимонийнинг инсон эркинлиги анализи”. Истанбул.
6. Комил Оқпинар. (1994). “Довуд ал-Карси”. Туркия Диёнат вакфи ислом энциклопедияси. Анкара.
7. Режеб Шертурк. (2009). “Туркияда исломий ислоҳотчилар ва зиёлилар: Баркарор дин ва ўзгарувчан хуққу”. Нью-Йорк.
8. Ридвон Ӯздинич. (2013). “Ақил, Ирода, Ҳуррият: Сўнгги усмонийлар давридаги динда иродада масасаси” “Dergah” нашриёти, Истанбул.
9. Мехмәд Шарофиддин Ялтқая. (1932). “Турк каломчилар”. Дорулғунун илоҳиёт факультети. Анкара.
10. Закария Акман. (2013). “Юсуф Зиё Ёрукан хаёти, асарлари ва ислом тарихидаги ўрни” // “Туркшунослик – турк тили, адабиёт ва тарихи” халкаро журнали даврий нашри (82/2) // Анкара.
11. Юсуф Зиё Ёрукан. “Мусулмонлик”, Müslümanlık (1957), Дўгуз нашриёти, Анкара. 1993 й.
12. Юсуф Зиё Ёрукан. (2006). “Ислом акоид тизимида ривожланниш”. Ўтукан нашриёти. Истанбул.
13. Ҳилми Зиё Ўлкан. (1954). “Юсуф Зиё Ёрукан хаёти ва ижоди”. Анкара.

### REFERENCES

1. Fil Dorrol. (2018). “Dinni turkcha tushunish: Zamonaviy Turkiyada moturidiylilikning qayta kashf qilinishi”. “Motudiyilik xalqaro simpoziumi: o’tmish, hozir va kelajak”. Ankara.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИННИГ  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-  
ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,  
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуктаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба кайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм

1/2023

Бош мұхаррир: Ж.Каримов

Мұхаррир: З.Фахриддинов

Нашр учун масъул: З.Арслонов

Чет тилларидағы матнлар мұхаррири: О.Сотвоздиев

Дизайнер-сағиғаловчы: З.Үломов

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)  
**E-mail:** [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Нашириётнинг лицензия раками AI № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 03.05.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 %.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”  
нашириёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



# IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

[www.maturidiyjournal.uz](http://www.maturidiyjournal.uz)

+998971 244-35-36

@moturidiyuz

[www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)

info@moturidiy.uz